

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 96 (65972)  
1996 йил, 25 декабрь, чоршанба

Сотувда эркин  
нархда

## ШАҲАРЛИК БОЛАЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Мен қишлоқ қизиман. 5-синфда уқийман. Лотин ёзуви, араб ва рус ёзувини мукамал урганяпман. Қишлоғимдаги ҳаёт мен учун жуда қизиқ. Айниқса, уй ҳайвонларини боқишни, дала ишларига қарашишни жуда-жуда яхши қўраман. Лекин барибир шаҳар болаларига ҳавасим келади. Негадир уларга мазза, деб уйлайман.

Чунки улар дам олиш кунлари жуда бошқача дам олишади, деб эшитганман. Яқинда бир дугонамнинг аяси Тошкентга борган эди. Улар курган-кечирганларини бизга сузлаб бердилар. Айтишларича, бизнинг шаҳарлик дўстларимиз ҳайвонот боғларига, бассейнларга, истироҳат боғларига бо-

риб, мазза қилиб дам олишиб, шанба ва якшанба кунларини жуда мароқли ўтказар эканлар. Туғри, бизда бассейнлар бўлмаса ҳам доим зилол суви жилдираб турадиган ариқчамиз, дам олиш боғи бўлмаса ҳам ўзимизнинг қадрдон даламиз борку-я, лекин барибир бизнинг ҳам шаҳарлик дўстларимизга ухшаб цирк томошаларини, сахналаштирилган эртакларни, қўғирчоқ театрларини жудаям мириқиб кургимиз келади. Шаҳарлик амакижонларимиз бизнинг мактабга ҳам келиб, ана шундай ажойиб томошалар кўрсатсалар хурсанд булардик.

**СИТОРАБОНУ,  
Сурхондарё вилояти,  
Сариосиё туманидаги  
1-ўрта мактабнинг  
5-синф ўқувчиси.**

## ЎТМИШ ТИЛГА КИРГАНДА

Усмон Юсупов туманидаги Йулдош Қурбонов номли мактабда тарих музейи ташкил қилинганига ҳали куп бўлгани йўқ. Музейни «Тарих тилга кирганда» деб номлашганди. Дастлаб 5—6 экспонатдангина иборат бўлган музей кундан-кунга бойиб бормоқда. Унинг жа-

вонларидан муносиб урин олаётган тарихий буюмларни ўқувчиларнинг ўзлари топиб келишга қувонарли ҳолдир. Бу ишда айниқса Отабек Пармонов, Латиф Самандаров, Шаҳобиддин Ганиев, Ойбек Усмонов сингари ўқувчиларнинг хизматлари катта бўляпти. Уларга музей мудираси Зарифа опа Ганиева бош-қош. Айни кунларда музей мактаб ўқувчиларининг, шунингдек, яқин атрофдаги боғчалар кичкинтойларининг ҳам сеvimли масканига айланиб қолган.

**Файзулла ЭШҚУЛОВ,  
Қашқадарё вилояти.**



— Тиллақошни мен тақаман.

— Зар дуппи менга.

— Менга эса мана бу қизил мунчоқ, — дея талашишарди қизалоқлар.

Бу қизчалар тиллақошу зар дуппиларни нега сеvim қолишди?

## БҮЙНИДА ҚИЗИЛ МУНЧОҚ

Чунки мустақилликка эришганимиздан сўнг боғчаларда ҳам ўзбеккона урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни қадрлашга интилиш бошланди.

Бугун Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги «Ором» номли 12-болалар боғчасида «Болаларни миллий мато, либослар, тақинчоқлар билан таништириш» мавзусида кеча бўлиб ўтди. Кечада тумандаги 28 та болалар боғчаларидан вакиллар иштирок этишди. Унда кичкинтойларни зардушлик, каштачилик санъати ва дуппи-ю атлас турлари билан танишдилар.

Шу билан бирга болажонларнинг янги—1997 йилни катта байрам дастури билан кутиб олаётганлиги кўриқдан ўтказилди.

Боғчада 6 та гуруҳ ва 1 та

### Боғчам — овунар жойим



уй боғчаси мавжуд. Унда 150 нафар кичкинтойлар тарбияланади. Болажонлар тарбиячилари ёрдамида турли-туман уйинчоқларни ўз қўллари билан ясай оладилар. Ишлатилиб, кераксиз булган «фанта» идишлари, тухум пучоқлари улар томонидан бежирим уйинчоққа айланади.

— Уй боғчамизда саккиз нафар бола тарбияланаяпти, — дейди боғча мудираси Мастура опа Зияева. — Барча оналар айнан мана шу уй боғчамизга ўз болаларини топширишни хоҳлашапти. Тарбиячи Ноила Музаффарова жуда болажон аёл. Уйда нон ёпса худди болаларидек улар билан баҳам куради. Ёз вақтларини гапирмаса ҳам бўлади. Ҳовлисидаги мевали дарахтлар ҳам болажонлар ихтиёрида.

Шу уринда оталиқ таш-

килотнинг ҳам боғчага бераётган ёрдамини айтиб утишни лозим топдик. Боғчадаги ремонт ишлари борми, болаларга байрам совғалари борми, барчаси «Исло-А» фирмаси зиммасида.

«Қўғирчоғим, қўғирчоқ, буйнида қизил мунчоқ», дея қушиқ куйлаб, барча йиғилган меҳмонларни хушнуд қилаётган болакайларга, «меҳрибонларингиз бор экан, хотиржамлигингиз таъминланади. Яхшиликлар кўриб усаётган экансиз, яхшиликка ёндошган инсонлар бўлиб етишасиз», — дедик.

Илойим шундай бўлсин!

**Феруза ОДИЛОВА.**

Боғчадаги тадбирлардан кўриниш.

**Р. АЛЬБЕКОВ** суратта олган.



## МУХРИДДИН ҲОЛИҚОВ БЎЛАМАН

Дунёда ҳар кимнинг ҳавас қилган одами булади. Баъзилар дурадгорга, баъзилар пахтакорга, баъзилар наққошга, лекин аксарият одамлар санъаткорга ҳавас қилади. Чунки санъаткорлар купчиликнинг нигоҳидаги одамлар. Телекузгуда ёки овознигорда янги қушиги билан чиқиб қолса қушигини тинглашга тинглашади-ю қандай одам экан, оиласи, болалари қанақа экан? Кимга ухшашни хоҳлаб бу йулга қадам қуйган экан? деб хаёл суришади. Мен ҳам шундай, Мухриддин Ҳолиқовга қизиқаман. Бўйим тенгдошларимдан пастроқ бўлгани учун эмас, кузим, юзим... аллақасерим унга ухшаб кетиши учун ҳам эмас. Чунки Мухриддин Ҳолиқовнинг қушиқларини хиргойи қилиб юрган тенгдошларим, «Сен Мухриддинга ўхшайсан» дейишса, фақат ташқи кўринишим учун ўхшатишмасин-да дейман. Овозимни ўхшатишсин, созимни ўхшатишсин.

Мухриддин акам каби уз йулимни топиб олайн-да, дейман. Синфдошларим «катта бўлсанг ким буласан?» дейишса, «Мухриддин Ҳолиқов буламан» дейишим ана шундан. Қаерда бўлмасин, мактабдами, кучадами, М. Ҳолиқовнинг қушиқларини эшитсам кўнглим кутарилади. Умрлари узоқ бўлсин, янги қушиқлари купайсин. Бу санъаткорнинг янги қушиқлари ёзилган барча магнит

### Ҳавас

тасмаларини сотиб олганман. Мухриддин ака арабча, ҳиндча қуйларга ўзбекча шеър ёздириб, қушиқ айтишлари айримларга ёқмайди. Куйни, оҳангни таржимонсиз тушундилар-да, шундай булгач ўзга улкаларда яратилган мусиқа бу санъаткор қалбига ўзбекча шеър бўлиб қуюлган бўлса, нимаси ёмон? Мен катта бўлсам Мухриддин Ҳолиқовдек машҳур инсон бўл-

Атрофингни девор билан урама, дустлар билан ура. Чунки дустлик бахт келтиради. Йўқчиликда ёндошинг булади. Дустни куп одамларнинг ҳаёти хуррам кечади. Дарахт шохсиз, шон-шўҳрат сафдошсиз, дустсиз бўл-

тишяпти. Яқинда Туйчи Иноғомов номидаги доирачилар дастаси қатнашчилари Алмати шаҳрида ўтказилган «Айланайин» Халқаро болалар ижодий фестивалида иштирок этиб, катта шўҳрат қозониб қайтишганди. Марказий Осиё

## ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

майди. Болалар ёшликданоқ дарахт-дарахтга суяниши, одам-одамга суяниши кераклигини дилдан ҳис қилиб улғайишлари керак. Буни учун Республика ўқувчилар саройида ташкил этилган 100 дан ортиқ тугарак аъзолари фаоллик курса-

ва хорижий давлатлардан 29 та болалар ашула ва рақс дасталари ўзларининг миллий санъатларини намойиш этишганда, ўзбекистонлик ўқувчилар ҳам четда туришмади. Парламент майдонида Қозғистон Президенти Н.Назарбоевнинг фестивалъ иштирок-



моқчиман. Ҳозир эса машҳурлигимни узим ёзган қуйидаги шеърлар билан таъминлашга журъат қилдим.

### ҚУЁН ВА БЎРИ

«Сеними, шошмай тур!» мультфильмидан илҳомланиб.

Очкўз бўрининг қорни  
Жудаям очиб кетди.

Буни сезган Қуёввой,  
Ўрмонга қочиб кетди...

### ЭРКАТОЙ БОЛА

Дадам ва ойим учун  
Мен эркатой боламан.

Конфет билан сийлашса,  
Ачомлашиб оламан.

Шухрат УСМОНОВ,  
Тошкентдаги 255-мактаб  
ўқувчиси.

чиларига йўллаган мактуби ўқиб эшиттирилганда, ҳаяжонланган ўзбек болалари тинчлик учун, хотиржам яшаш учун, санъатнинг урни катта эканлигини ҳис қилдилар. Дустликнинг қудрати буюклигини билдилар. Покистон, Ҳиндистон, Туркия, Корейда бўлиб, бирмунча тажриба тўплаган тенгдошларингиз дуст қозоқ ўқувчиларга доирада халқ усулларини қойилмақом қилиб ижро этдилар. Бу ижро ҳиндча, тожикча, русча ва қозоқча ифодасини ҳам топди. Миллий санъат ва маданият тарғиботи кунлари улар қозғистонлик дустларини Тошкентда давом этадиган дустлик анжуманига таклиф қилиб келдилар. Тайёргарлик ҳаяжонлари билан кун жуда тез ўтди. Тошкент ҳам дустлар билан ободлашди. Сайрамдан, Чимкенту Алматидан келган санъаткор болалар Республика ўқувчилар саройида, шунингдек, мактабларда, маданият уйларида катта тантанани давом эттирди.

Дуст билан обод уйинг, деганлари шу-да. Бу ободонлик, бу файзу тароват дилларни тарқ этмасин.

Мухаббат ШЕРБЎТАЕВА,  
Республика ўқувчилар саройи.



## БОБОМ РУҲИ ШОДЛАНДИ

Гул узишдан аввал гулзор яратадилар. Боғу бўстон, осмонупар бинолар ижодкори — Темур бобом ҳақида дунё халқлари тўлқинланиб гапиршяпти. Истиқлол берган неъмат — қадриятларимизни асраш боболар меросини англаш биз ўқувчиларга ҳам катта масъулият юклайди. Теран билимни, зукко набираларни билан буюк зотлар руҳи шодлансин. Чунки азизлар ҳамини азиз. Бизнинг туманда соҳибқирон бобомизга атаб ажойиб тадбир ўтказилди. Янгибозор қўрғонидаги 11-болалар боғчасидан бошланган бутантанатуман бўйлаб кенг қўлоқ ёйди. Болалар боғчаси мудираси Мухаббат опа Туйчихонова Темур бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўхталар экан, чинакам боғбон, бунёд-

кор, ижодкор ўтган эди соҳибқирон, — дедилар. Назира Юнусова, Насиба Бердалиева, Дониёр Турғунбоевлар иштирокидаги саҳна кўриниши Амир Темур ҳақидаги ривоятларга асосланди. Боғча болаларининг қушиқ ва шеърлари ота-оналар дилини шод этди. Бу шодликдан албатта, бобомиз руҳи шодланди.

Л. МАНСУРОВ,  
Юқори Чирчиқ тумани,  
Ковардон қишлоғи.



Инсон қалбига экилган яхшилик уруги йиллар утиб, мева беради. Ақл-фаросат, нозиклик, маданиятлилик билан қилинган ҳаракат оқил боғбоннинг одил неъматига ишорадир. Ана шундай неъматли инсонлардан бири Мухаррам опа Юсупова буладилар. Мухаррам опа ҳақида шогирдлари нима дейди?

— Биз Мухаррам опани ўз онамиз каби яхши кўрамиз. Уларнинг муомалалари, равшан фикрлари, дарс ўтиш жараёнидаги самимиятлари ҳамиз каби дилга яқин. Эркалатиб қўйишлари ҳам, дилларини ранжитсак кечиримли бўлиб, яхшиликка етаклашлари ҳам худди онамиздек. Шундай инсонлар бор экан, она тилимиз барҳаёт! **Лочин ШЕРНАЗАРОВ, 9-синф ўқувчиси.**

— Мухаррам опа — она тилимизни чуқур ўргатишга жазм қилган асл ўқитувчиларимиздан бири. У кишини ҳурмат билан «устоз» деб чақиришимизда ҳам катта маъно бор. Чунки бу устоз яхши фазлатлари, гўзал ҳислатлари билан устозимиздир. Хилма-хил мавзуларда иншолар ёздирар эканлар, биз

бу иншоларни Мухаррам опанинг ёрдамларида нақадар она тилимиз буюк ва суюқ эканлигига тан бериб борамиз.

**Муқаддас ЭРАЛИЕВА, 9-синф ўқувчиси.**

— Менинг она тили ўқитувчим хушчақчақ, бағри кенг, софдил, ўқитувчилар ичида узининг чиройи билан



ажралиб турувчи инсон. У кишидан олган баҳоинг яхши инсонлигинга ҳам қўйилгандек. Улар айрим ўқитувчиларга ухшаб, туғридан-туғри вазифани ёзсанг ҳам ёзасан, ёзмасанг ҳам ёзасан, деб турмайдилар. Иншо ёзганимизда ҳам, баҳолаш вақтида ҳам розилигимизни сураб, баҳо қўядилар. Қайси синфда утаётганликларидан қатъий назар, ширин муомалалари, меҳрли нигоҳлари билан болаларни сеҳрлаб қўядилар.

**Алишер ҒУЛОМОВ, 9-синф ўқувчиси.**

Устозлар ҳақида шогирдлари шундай гапларни ўз-ўзидан ёзмайди. Бунинг учун устоздан санъаткорлик керак. Устозлик касбгина эмас, иқтидор ҳамдир. Мурғак нигоҳлар улар орқали оламни ва одамни танийди, тан олади. Устозимизнинг дарс ўтишлари менга жуда ёқади, деб ёзган шогирд бу дарсга ўз-ўзидан ошиқиб қатнашини баён қилмоқда. Шахсан менинг баҳоларим «3» баҳо булса ҳам, ширин сузлари, самимий чеҳралари боис «5» баҳо олгандек хурсанд буламан, деган ўқувчи эса келгуси сафар беш олишга интилишидан башорат қилмоқда. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, филология фанлари номзоди, ўзбек тили ўқитиш методикаси бўйича катта илмий ходим, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти Мухаррам опа Юсупова эса истиқлол чечаклари — мактаб ўқувчиларини миллий гуруримиз — она тилимизнинг қонун-қоидаларини чуқур ан-

лайдиган қилиб тарбияласам, — дейдилар. Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари зиммасида ҳам асли шундай масъулият турибди. Мустақиллик арафасидаёқ тилимизнинг давлат тили мақомини олиши янги типдаги лицей, гимназиялар очилиши, турли йуналишларда табақалашти-



## ЯХШИЛИК УРҒУЧИ



риб ўқитишга эътиборнинг қаратилиши бу устозни ҳам руҳлантириб юборди. Энди ишлаш вақти келди, деб Республика Нафис санъат лицейида уриндошлик йўли билан билим беришга вақт ажратдилар. Ўқитувчилик билан, айниқса ҳозирги шароитда турмуш кечириш биров оғир бўлса-да, она тилининг бойлигини, гўзаллигини болаларга намойиш қилишга дилдан чоғландилар. Сиёсий мустақилликка булган ташналик, ўқувчиларни билимга булган ташналиклари М. Юсупова қалбига завқ-шавқ булиб кириб борди. Асосий хизмат жойи булган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидаги фаолияти мактаб билан боғланиши натижасида муваффақиятларга эришди. Чунки давлат тилида эркин гапириш, халқаро иқтисод, халқаро ҳуқуқ, халқаро муносабат, халқаро туризм бўйича ўзбек тилида иш юритишга урганмоқ талабалардан катта меҳнатни талаб қилади. Тилимизга давлат мақоми берилгунга қадар, барча иш рус тилида юритиларди. Рус тили кундалик ҳаётимизга шу қа-

### Меҳрибон, меҳри бор муаллим

дар кириб борган эдики, ҳатто ош-овқат ейишимизу кийишимиз, юриш-туришимизу орзу-интилишимизда ҳам русча ибора ишлатмай қўймасдик. Тил тозаллигига, фикр тиниқлигига, тафаккур равшанлигига эришмоқ учун устозлар сабоғи, тинимсиз меҳ-

изланишларини бир-бир тилга олдик?

— Тугилган кун сабаб! 50 ёшга етган кун сабаб! Яхшиям шундай саналар бор. Ёнимизда юрган, иссиқ-совуғимиздан хабардор булиб мангу ёш булган, мангу бизларга бош булган устозларнинг таваллуд топган кунлари бор. Йўқса, уларнинг уз камтарликлари, хокисорликлари сабаб, улуглашга, олқашга имконият қайда? Ўқитувчи қуёшга тенг. Унинг меҳр тафти ҳеч қачон совимайди деб устозга айтар кунимиз ҳам шу — туғилган кундир. Ўқитувчининг аччиқ сўзи ўқувчининг ақл кузини очади, — деб танбеҳу дашномларга меҳр билан, қувонч билан жавоб қайтарар кун ҳам — шу туғилган кун сабаб! Туғилган кунингиз муборак бўлсин, азиз устоз! Сизнинг меҳнатингиз, чеккан машаққатларингиз буюкликка пиллапоя қўяди. Меҳнатингизни ёйсангиз, шуҳратингиз ёйилади. Сиз — бебахосиз, шогирдларингизнинг келажак сизнинг меҳнатингизни баҳолайди. Сизга узоқ умр тилаб,

**Республика Нафис санъат лицейида таҳсил олаётган шогирдларингиз.**

### Янгилик эмас, аммо...

#### ТЕЛЕВИЗОРМИ? ДИЛБУЗАРМИ? ЁКИ...

Азиз болажонлар! Ота-оналарингиз сизни соатлаб телевизор олдида утиришингизни қатъийан ман қилишганда, улардан асло хафа эмас, балки хурсанд булишингиз керак. Нега дейсизми?

Ҳаммангиз севиб мароқ билан томоша қиладиган ойна-жаҳон, яъни телевизорнинг фақатгина фойдаси эмас, зарари ҳам бор экан. Яқинда Англия табобатчилари ўтказган тадқиқотлардан маълум бўлишича, телевизор экилганда хонага радиактив радон нурлари тарқалар экан. Бу нурлар жуда хавфли булиб, рак касаллигини келтириб чиқарар экан. Айниқса, болаларда учрайдиган онкологик касаллик турларидан бири булган лейкомия ҳам шунинг оқибатида юз бераркан. Катталарнинг кучли организми бу хавфли касалликка қарши кураш олиб бориши ҳамда тузалиши мумкин, аммо, мурғак болакайларимизнинг заиф танлари бунга кутара олмас экан. Шунинг учун, унутманг, соғ-саломат булай деганга, телевизор олдида камроқ утиринг. Курсатувларнинг ҳаммасини кетма-кет томоша қилманг, фақат узингиз ёқтирганларининггина ундан узоқроқда утириб кўринг.

**Маҳзуна МАҲКАМ қизи.**



нати талаб қилинади. Буни тушунган Мухаррам опа ўқувчиларнинг нутқини ўстиришга миллий тафаккурни уйғотиш орқали интилади. Яқинда босмадан чиққан ўрта умумтаълим мактабларининг она тили ўқитувчилари учун қўлланма ҳисобланмиш «Диктантлар тўплами» муаллифи ҳам Мухаррам Юсуповадир. 5—11-синфларга мулжалланган, имло ва тиниш белгиларига доир билимларни синайдиган, ҳосил қилинган малакаларини мустаҳкамлайдиган бу тўплам босқичли, кетма-кетлик асосида қурилган. Тўпланда ҳар бир имло ва тиниш белгиси билан боғлиқ булган мавзуларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, таълимий диктант турлари танланди. Улар алоҳида сузлар, терма гаплар, турли ҳажмдаги боғланишли матнлардан иборат. Устоз имло қоидалари асосида ўқувчини туғри ёзувга ургатмоқчи булса, имло лугатидан тегишли сузларнинг ёзилишини таққослаб, текшириш орқали туғри ёзув малакаларини мустаҳкамлашга даъват этади. Ижодий, сайланма ва лугат диктантлар ўқувчиларнинг фикр сезгирлигини оширади. Бу сезгирлик энг аввало Мухаррам опада мужассам...

Турмуш уртоғингиз Акбар ака Ҳусанов ҳам зиёли. Углингиз Жаҳонгир ва Шарофиддин ҳуқуқшунос булмоқчи. Мухтабархон қизингиз эса ўқувчи. У ҳам акалари каби ҳуқуқни, ота-онаси каби адабиётни чуқур урганиш ниятида.

**Биз нега бу устозни бугун алқаб қолдик? Нега ижодий**

### Соғ юрак — тоғ юрак

#### БУГУНДАН ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ

Энг кучли, энг тезкор, энг чаққон булишни истаманган бола йўқ. Бу хислатларнинг ҳаммаси спорт билан мунтазам шуғулланишдан келиб чиқади. Соғломликка ҳам шунинг натижасида эришилади. Соғлом авлодни тарбиялашда катта ишлар олиб бораётган ҳукуматимиз яқинда яна бир чиройли тадбирини бошлади. Юртбошимиз, «Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон миллий кубогини таъсис этиш туғрисида» қарор чиқардилар. Эндиликда дунё спорт майдонларида мамлакатимиз довругини таратган спортчи ҳар йили «Йилнинг энг яхши спортчиси» кубогига ва катта миқдордаги пулга эга булади. Ҳа, айтгандай, бундай мукофотни олиш учун эса спорт билан ёшлиқдан, ўқувчилик давридан шуғулланиш даркор. Ҳали имкон бор экан, ҳаракатингизни қилинг. Ана шундай шараф сизга ҳам nasib этса ажабмас.

**Абдумалик АБДУНАБИ ўғли.**

## Ботирлик шахар олар

ОЛАМНИ ЁРИТГАН  
ҚИЛИЧ

(Боши ўтган сонда)

## ОТА ВА ЎФИЛ

Темур чорваси куп, кичик бир уйда усди. Унинг отаси гоят диндор киши бўлиб, зоҳидлик билан кун кечирар, куп вақтини Қуръон тиловати билан ўтказиб, ибодатни афзал билган киши эди. У доимо углига Оламларни яратувчи Оллоҳ Ислон ва дунё ҳақиқати ҳамда Ватан тақдири ҳақида сузларди. Мана шу жиҳатдан қаттиқ таъсир ўтказганди. Ота углига узининг диёри ҳақида гапириб: — «Чингиз оламга ҳокимлик даъвоси билан чиқиб, мақсадига етди. Ҳоқон улгач, унинг мулки уч фарзанди ва бир неварасига булинди. Бизнинг диёримиз унинг угли Чигатойнинг насибаси бўлди. Улар ахлоқсизлик, орзу-ҳавасга берилдилар. Боболари васиятига унчалик эътибор бермай, мол-дунё йиғиб бериб турадиган ноинсоф бошлиқларга ишониб қолдилар», — дер эди.

Оллоҳга ихлос ҳақида гапириб: «Эй углим, мен Оллоҳга ибодат қиламан. Унинг пайгамбарига доимо саловотлар айтаман ва солиҳ авлиёларни ва дарвешларни ҳурмат қиламан. Эй, углим, сен Ислоннинг 5 муҳим асоси: иймон, намоз, руза, закот ва ҳажни маҳкам ушлагин», — дея насиҳат қилар эди.

Дунёнинг ҳақиқати ҳақида гапириб: «Дунё ташқи куриниши чиройли, аммо ичи тула илонлар ва чаёнлар булган тилла идишга ухшашдир», — дея тасвирларди. Темур отасининг туғрисузлиги ва ҳаётга булган қарашларидан таъсирланиб усди. Лекин у замонаси ёшларининг гурури булган чавандозлик, овчилик ва курашдан ҳам орқада қолмас эди. У Қуръон тиловат қилар, масжидларда улуг олимлар суҳбатидан баҳраманд бўлиб, тафсир ва ҳадисларни диқ-

қат билан эшитарди. Чавандозликда ҳамма тендошларидан олдинда булар, овчиликда эса йўлдошларини лол қолдирарди, сузиш, кураш ва чавандозлик мусобақаларида доимо галиб бўлиб, мукофот олар эди.


Темур юзи чиройли, бавсавлат, елкаси кенг, буйи баланд, боши катта, гапирган вақтида қўзлари чақнаб турадиган жиддий бир киши эди. Темур купинча масжидларда устозларининг панд-насиҳатларини тингласа, баъзи пайтда савдогарлар қарвонига қўшилиб, улардан урушлар турғисидаги ажойиб хабарларни эшитарди. У ун етти

Мени форслар «писта», араблар «фисток», французлар «пиштош» деб атайдилар.

Менинг ватаним Шимолий Хуросон, Афғонистон ва Суриядир. Ҳозирги вақтда ҳам бу вилоятларда ёввойи ҳолда усаман. Менинг дарахтим худди хурмо дарахти каби бўлиб, эркаклик ва оналик уругига эга гулларим бир-бирига қарама-қарши шохларда жойлашган. Агар бирорта гулим чангланмай қолса, ундан пуч мева ҳосил булади. Бу мевани қадимий китобларда «бузгинаж» ва «бузганд» деб атайдилар. Мевам мағизли пистадан кескин фарқ қилади. Унда сиёҳ моддалари булгани учун қоринни димлайди.

Саломатлик  
сандигиХАНДОН  
ПИСТА

У купроқ тери ошлашда ишлатилади, мағзим кучли овқат бўлмаса-да, озгин кишиларни семиртиради. Аммо, беухшов даражада семирмайди. Агар мени мағзим устидаги алвон рангли нозик пистим билан есалар, сариқ касалини тузатишга кумақлашаман, талоқ иллатини бартираф қиламан. Заҳарни кесаман. Мағзим чайналса, тишни мустаҳкамлайди ва оғизни хушбуй қилади. Мағзимдан истеъмол қилинса, ич кетишни тўхтатади, ошқозон девор-



ларига куч бағишлайди, ичакларни тозалайди, қайт қилишни ва кунгил айнашини йўқотади, юракбуруғи ва чанқашга барҳам беради.

Қутир ва қичишиш иллатларига даво булади. Агар уша сув билан соч доимо ювиб турилса, сочнинг тукилишини тўхтатади. Пистам ёғи атторсозликда купроқ ишлатилади. Агар уни мушк билан аралаштириб юз фалажига суркалса, тузалади.

ИСТИҚЛОЛ  
ФИДОЙИЛАРИ

Абдурауф Фитрат ва Файзулла Хўжаевларни эндиликда миллий истиқлол учун бор истеъдоди, ғайрат-шижоати, ақл-заковатини сарфлаган азиз инсон деб биламиз.

Биз бу йил А. Фитратнинг 110, Ф. Хўжаевнинг 100 ёшини катта тантана қилдик.

Замондошимиз Маҳмуджон Жўраев чизган бу суратда миллатимиз, маданиятимиз жонфидолари Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат акс эттирилган.

## Турфа олам

## СЕЗГИР ҚУШЛАР

Шимолий Африка осмонидан парвоз этиб юрган ҳисобсиз чуғурчуқ галалари кул туфонини эслатади. Чуғурчуқлар баҳорда ҳашаротларга қирон келтиришлари фойдали бўлса-да, ва кузда мевазор ва узумзорларга ҳужум қилишлари билан зараркунандага айланишади. Марокашда чуғурчуқ галаларини кимевий усул билан қириб юборишга ҳаракат қилинди. Бироқ кузланган натижа амалга олмади. Чунки чуғурчуқлар хавфни сезишлари ҳамон узга жойларга жуфтакни ростлашди. Айтинг-айтинг, энди улар...

ЎРГИМЧАК  
СИРКАСИ

Марказий Америка қитъасининг тропик урмонларида биолог олимлар ўргимчаксимонлар синфига мансуб янги жониворларни аниқладилар. Бугиноёқли бу жонзот танасида ҳимоя воситаси сифатида ҳосил қилиб, елкасидаги аъзосида сақлайдиган 84 фоизлик сирка эритмасидан фойдаланади. Бу курсаткични таққослайдиган булсак, кундалик турмушда ишлатиладиган сирка эритмасида 80 фоизлик сирка кислотаси бор, хо-

лос. Бу куйдириб юборувчи суюқликни жонивор душманига 60—80 сантиметр олицдан сачратади.

## ШАЙТОН ДАРАХТИ

Марказий Американинг наботот олами билан қизиқувчилар қалин урмонларда нур таратувчи дарахтни топдилар. Маҳаллий ҳиндулар унга «Шайтон» дарахти деб ном берган эканлар. Тун пайтида унинг шох-шаббалари остида ҳатто бемалол китоб ўқиш мумкин эмиш.

ёшда булишига қарамасдан, танҳоликни севар ва жуда кам гап эди. Урғокларини чулда қолдириб, ўзи узоқ-узоқ уфқларга тикилиб, сирли нарсалар туғрисида хаёл сурарди. Ният қилиб, режалаб қуйган келажagini, амалга оширадиган улуг ишларини куз унгига келтирарди. Демакки, у ҳам отасининг насиҳатларидан, ҳам жамиятдан таъсирланган эди. Шу сабабдан унинг узига хос фикрлари ва қарашлари пайдо бўлди. Ҳар бир инсоннинг уз йули булганидек, у ҳам уз йулини танлай бошлади.

(Давоми бор)



## ТОНГ ЮЛДУЗИ

## Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

## Бош

муҳаррир  
Умида  
АБДУАЗИМОВА

## Таҳрир ҳайъати:

Наримон ЭРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буяортма — Г-0709. 7691 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга тошириш вақти 19.00. Тоширилди — 18.30.

- Рўйхатдан ўтин тартиби № 000137
- Минзалимвз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
- Намр курсаткичи: № 64563
- Телефон: 33-44-25